



Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-mart • Payshanba • 29 (27.834) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кўчайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам:

иш ҳақи — ойига 20 865 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 41 330 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 20 865 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 41 330 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 25 030 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияландирилган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қўйдаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳарajatлар республика Давлат бюджет ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли Фармони (7-дан истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақрифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 март

Ижрокўм йиғилиши

2008 йил 4 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижрокўм аъзолари ҳамда партия минтақавий кенгашлари раислари иштирок этди. Йиғилишда ЎзХДПнинг жорий йилдаги устувор вазифалари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, партия кенгашлари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ижрокўм аъзолари кўриб чиққан масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзХДП: устувор вазифалар

Ҳаёт, замон, дунёқараш ўзгараёпти

бундай шароитда партия дастурий йўналишларини янада аниқлаштириб олиш талаб этилади, дея таъкидланди ЎзХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш жараёнининг муҳим иштирокчисидир. Утган йиллар ЎзХДП учун ҳам сиёсий таъриба орттириш ва сиёсий етуқликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг электоратига таяниш борасида чинқиш мактаби бўлди. Айни вақтда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, фуқаролик жамиятини шакллантиришда онли иштирок этишини таъқозо этади.

Давра суҳбатида ана шу масалалардан келиб чиқиб, мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитда Ўзбекистон Халқ демократик

партияси мафкурасининг асосий тамойиллари ҳусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов мазкур масалаларнинг асосий жиҳатларига тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 2008 йил 1 январдан кучга кириши Ўзбекистон ХДП учун ҳам парламент демократияси, вакиллик институтлари орқали ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун мутлақо янги

ҳуқуқий майдон яратганини таъкидлади. Энг асосийси, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият муттасил ўзгармоқда, аҳолининг ҳуқуқий ва фуқаролик маданияти ўсмоқда.

Мамлакатда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар натижасида ЎзХДП электоратининг ижтимоий таркиби, ҳаётини манфаатлари, ҳуқуқий ва сиёсий эҳтиёжларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Партия мафкурaviй принциплариға баҳо бериш, қўйилган дастурий мақсадларини амалга оширишда электоратнинг фаоллиги ва талабчанлиги кучаймоқда. Буларнинг ҳаммаси партия электорати ижтимоий таркиби, ҳаётини манфаатлари, ижтимоий

ва сиёсий эҳтиёжларида тегишли ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Суҳбат иштирокчилари ана шу масалалар ҳусусида фикрлашиб, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг фаол босқичида партия янги дастурий ҳужжати қабул қилиш зарурати пайдо бўлгани, уни ишлаб чиқиш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Эътибор қаратилдики, бу ҳужжат прагматик асосланган ва конструктив бўлиши, асосийси, амалда бажарса бўладиган мақсадлар, партия электорати ҳаётини манфаатларига тааллуқли ижтимоий вазифаларни ҳал этиш йўллари аниқ эътириши керак. Ўзбекистон ХДПнинг бу дастурий ҳужжати янги пайтда мазкур муаммоларни партия фракцияси ва

маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг қонунратувчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолияти воқитида қандай ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар бериши керак.

Бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозараларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, Қонунчилик палатаси депутаты Боймурод Юсупов, Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси Ҳамро Эрматов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирдилар.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия минтақавий кенгашлари раҳбарлари ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятидаги туман, шаҳар кенгашлари раислари, партия фаоллари иштирок этдилар. Анжуманда ЎзХДП янги дастурий ҳужжати мазмуни, уни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир сўнггида партия минтақавий кенгашлари раислари иштирокида ЎзХДП марказий наشرлариға қўшимча обунасинг бориши, хойларда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими машғулотларининг ўтказилиши ҳамда бошқа масалалар ҳусусида янги вазифалар белгиланб олинди.

**Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати.**

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Тошкентда Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши — суд-ҳуқуқ тизими эркинлашувининг муҳим босқичи мавзусида халқаро конференция бошланди. Икки кун давом этадиган ушбу анжуман Минтақавий сиёсат жамғармаси томонидан АҚШнинг Янги демократиялар институти ҳамда Шарқий Кентукки университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирликлари раҳбарлари, Омбудсман, олимлар, суд мухассислари ва таҳлилчилар, шунингдек, АҚШ, Европа давлатлари, БМТ ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлардан мутахассис ва экспертлар иштирок этмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Бундан бундан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирish ва терроризм учун

тайинланади. Бунда жазонинг мазкур турини хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркекларга нисбатан қўлланилмайди.

2008 йилнинг 1 январидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги ҳам мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг амалий самараларидандир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимиз томонидан инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама қафолатлаш йўлидаги улкан амалий қадамлар сифатида хайрихоҳлик билан

кутиб олинди. Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамини ҳажда демократиялиги улкан тарихий воқеа сифатида эътироф этмоқда.

Анжуманнинг очилишида Минтақавий сиёсат жамғармаси директори Сайфиддин Жўраев, Кентукки штати Полициянинг ижтимоий йўналиштирилган фаолияти минтақавий институти директори, «Очиқ мулоқот» лойиҳаси раҳбари Синтия Коллинз Шейн хоним (АҚШ), Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев, АҚШнинг Янги демократиялар институти бошқарув кенгаши раиси Лоуренс ДеНардис сўзга чиқди.

Иқтисодий ўсишнинг янги солиқ механизмлари

— Аҳолининг даромадида солиқ юқини камайтириш мақсадида жисмоний шахслар даромад солиғининг ставкаси:

1-дан 6 мин. иш ҳақиғача — 13 %;
6 дан 10 мин. иш ҳақиғача — 18 %;
10 мин. иш ҳақидан юқори бўлса — 25 %; белгиланди.

Тиш билан даволанди

Британиялик офтальмологлар ғаройиб операцияни амалга оширишди. Улар кўзи ожиз беморнинг кўзига тиш ўрнатиб кўриш қобилиятини қисман тиклашга эришди, деб хабар беради «Telegraph».

Нажот йўли

Уйингизда, хонадонингизда шахсий кутубхонангиз борми?

Хўш, болаларда қандай қилиб китобга меҳр уйғотиш мумкин? Уларни худди компьютер уйинлариға қизиққандек, китобга қизиқтириш мумкинми?

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

«Болажонлар-ширинтойлар» фестивали

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Болажонлар-ширинтойлар» болалар модаси республика фестивали бошланди. 2008 йил — Ёшлар йиллиға бағишланган ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг илғор ташаббусларини юзга чиқаришда яқиндан қўмаклашиш, манфаатларини таъминлаш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Жамғарма томонидан ана шу мақсадга йўналтирилган лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар, анжуманларни ташкил этиш аъёнага айланган.

«Болажонлар-ширинтойлар» фестивалидан қўзланган асосий мақсад юртимизда болалар кийимини соҳасида изланаётган дизайнерлар, rassomлар, модельерлар ва бошқа мутахассислар иш таърибасини кенг таҳлил этиш, уларга ҳар томонлама қўмак кўрсатишдан иборатдир. Фестиваль доирасидаги болалар ва ўсмирлар либосларининг эскизларидан иборат кўргазмада кичкинтойлар, ўсмирлар, ёшлар, фарзанд кўриш арафасидаги ёшлар учун кийим-кечаклар чизмалари намоиш этилиб, rassom ва дизайнерларнинг ижодий салоҳияти, ўзига хос ёндашувини аниқлашга оид танлов ўтказилди.



Тадбир доирасидаги «Болалар кийимларини лойиҳалаштириш ва тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда эса мазкур йўналишда кийимлар тайёрлашнинг гигиена, бадий-эстетика талабларига, юртимиз иклими шароитига мослиги ат-

рофлича муҳокама этилади. Болалар ва ўсмирлар кийим-моделларининг намоиши ўтказилди.

Мазкур фестиваль болалар кийимлари йўналишида изланаётган дизайнерлар, rassomлар, олимларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмаштириш, юксак бадий дидини шакллантириш, тарбия ва ташвиқ этишга хизмат қилувчи гоиларни илгари суришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирда ўз ижодий ишлари билан иштирок этаётган Нодира Аҳмадалиева, Севара Зунуннова, Салима Шоманурова, Наргиза Аҳмедова, Дилдора Азиева, Гулнора Рамазонова, Зулфия Раҳматуллаева, Саодат Рустамова, Даша Мамасалёва сингари ёшлар нафақат юртимизда, балки хорижда ўтган фестивалларда ҳам ўзбек мода мактаби шарафини муносиб намоён этгани эътиборлидир.

Уч кун давом этадиган фестиваль болалар либосларига оид графика ишлари кўргазмаси ҳамда дизайнерлар томонидан тақдим этилган кичкинтой ва ўсмирлар кийимлари танлови билан бошланди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**
Суратда: тадбирдан лавҳа.
Д.ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган сурат



Пан Ги Мун хавотирда

БМТ бош котиби Пан Ги Мун Арманистонда намоийишчилар ва полиция ўртасида юз берган ўзравонликлардан хавотирда эканини айтди.

«Котиб саккиз киши ўлимига сабаб бўлган воқеалар атрофлича текшириб чиқишига умид қилмоқда», — деб ёзилади БМТ штаб квартираси баёнотасида. Бош котиб Арманистон ҳукумати давлатни барқарорлик ҳолатига қайтариб, фақуллода вазиятни бекор қилиш учун зарур чора-тадбир қўллашга чакирди, дейди РИА Новости.



Узр сўраши керак



Эквадор президенти Рафаэл Коррера Колумбия Эквадор ҳудудида олиб борган операцияси учун узр сўрамаса, Эквадор ҳам ўз навбатида бунга қарши чора қўришини айтди.

«Рейтерс»нинг хабарига кўра, Коррера Эквадорнинг дахлсизлигига Колумбия томонидан таҳдид бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Утган ҳафта Колумбия Эквадор ҳудудида жангариларга қарши операция ўтказган. Шундан сўнг Эквадор Колумбия билан дипломатик алоқаларни тўхтатиб қўйди.

Назорат ўрнатилди

БМТнинг Косоводаги вақтинчалик маъмурият миссияси мамлакат шимолидаги темир йўллар устидан назорат ўрнатилганини айтди.

БМТ янгиланган Марказининг хабарига кўра, чегара полициясининг аралашуви натижасида «Сербия темир йўллари»нинг ноқонуний тарзда поездлар юборишига барҳам берилди.



Хитой тўрттинчи ўринда



Хитойнинг 2007 йилги ички ялпи маҳсулот ҳажми 24 триллион 660 миллион юан (3,4 триллион АҚШ доллари)ни ташкил этди, деб хабар беради РИА Новости.

Хитойдаги энг юқори давлат органи бўлган Хитой халқ вакиллари йиғилишида Давлат кенгаши вазири Вэнь Цзябао мамлакат иқтисоди «янги босқичга» кўтарилганини айтган. Унинг фикрича, беш йил ичида Хитой ички ялпи маҳсулоти 66,5 фоизга ўсган. Натижада иқтисод ривожланиши бўйича Хитой олтинчидан тўртинчи ўринга кўтарилди.

«Ерга боғлан»

Жаҳон Табиати Мухофаза қилиш Фонди (WWF) шафелиги остида ёшлар учун янги интернет-портал очилди.

Унда атроф-муҳитни асраш билан шуғулланганидан ёшлар ўзаро фикр алмашиши мумкин. connect2earth.org («Ерга боғлан») лойиҳаси орқали ёшларнинг экологияга доир долзарб муаммолар борасидаги фикри, қарашлари, илмий ишлари, суратлари, роликлари эълон қилинади. Энг яхши материал эгаси ғолиб деб топилиб, 2008 йил Барселонада бўладиган атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича Халқаро конгрессда иштирок этади.



Глобал исишга қарши



Июль ойида Японияда бўлажак «Катта саккизлик» саммити доирасида глобал исишга қарши курашга бағишланган конференция ўтказилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Матълумотларга қараганда, анжуманларда ҳавога таъбий мувозанатни буздиغان газларни энг кўп чиқараётган ўн олти мамлакат раҳбарлари иштирок этади. Улар орасида «Катта саккизлик» давлатларидан ташқари Австралия, Бразилия, Жанубий Африка Республикаси, Мексика, Хитой, Хиндистон, Индонезия ва Жанубий Корея бор.

Мазкур анжумани ўтказишдан қўзланган асосий мақсад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қўриб чиқиш, экологик муаммолар ечимини топишдан иборат.

Хабарларга кўра, конференцияда ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтиришга қаратилган ҳужжат ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. У 2012 йилда, Киото протоколининг муддати тугагач, кучга киради. Мутахассислар инсон саломатлигига зиён етказувчи, атроф муҳитни заҳарловчи газлар ҳажмини элик фойзгача қисқартириш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Тиш билан даволанди

Британиялик офтальмологлар гаройиб операцияни амалга оширишди. Улар кўзи оғир беморнинг кўзига тиш ўрнатиб қўриш қобилиятини қисман тиклашга эришди, деб хабар беради «Telegraph».

Ирландиянинг 75 ёшли фуқароси Роберт МакНикол бахтсизлик туфайли икки йил бурун кўзи оғир бўлиб қолганди. Шифокорлар ёрдамидан умид узган беморнинг жонига янги технологиялар билан даволайдиган хирург оро кирди. Шифокор кўзга линзани ушлаб турадиган тиш ўрнатди. Тишчи берган донор беморнинг ўз ўғлидир. «Ўғлим, агар кўзим аввалгидек кўра олса, ҳамма тишини беришга тайёр эканини айтди», — дейди қария қулиб. Операция бир неча ой давом этган.

«Пахта Банк»

«Маиший тўлов» жамғарма омонат турининг фойз ставкасини оширди.

Энди у йиллик 30 фоизни ташкил этади.

Омонатга ўзингиз учун мақбул миқдорда маблағ қўйиб, коммунал тўловларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз вақтида тўлаб борилишига эришасиз. Омонатнинг муддати — 2 йил.

«Пахта Банк» — биз билан ҳаммиша қулай!

Бундан ташқари, «Пахта банк» қўйидаги жамғарма ҳамда муддатли омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишни таклиф этади:

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фойз ставкаси	Бошланғич бадал
«Болалар келажагимиз» (14 ёшгача болалар учун) жамғарма	1-5 йилгача	12%-18%	10 000 сўм
«Навнихол» (16 ёшдан 25 ёшгача) жамғарма	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1 000 сўм
«Баркамол авлод» жамғарма	1-3-6-9-12-15 ва 18 ой	30%	10 000 сўм
«Оқ олтин» муддатли	6 ой	18%	2 000 сўм
«Пахтакор» муддатли	3 ой	16%	10 000 сўм
«Фаровонлик» муддатли	3-6 ойгача	16%-18%	5 000 сўм
«Барака» муддатли	3-12 ойгача	12%-18%	20 000 сўм
«Саховат» муддатли	1 йил	18%	20 000 сўм
«Баҳор» муддатли	9 ой	18%	20 000 сўм
«Истеъмол» омонати, муддатли	3 йил	10%	«Истеъмол» кредити миқдорининг 30 фоизи

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта банк» миқдорларнинг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Модернизация самараси

Навоийлик нурчилар наинки республикадаги, балки ҳамдўстлик мамлакатларидаги қатор гидроэлектр станциялари жамоалари билан яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйишди. Бу ўринда россиялик мутахассислар кўмагини алоҳида қайд этмоқ жоиз. У ердан келтирилган кўлаб асбоб-ускуналар боис 6, -9, -11, -12-энергия блоклари босқичма-босқич модернизация қилинди ва айтарли барча турбогенераторлар капитал таъмирдан чиқарилди.

— Бугунги кунда соатига 1 миллион

250 минг киловатт энергия ишлаб чиқараётган иссиқлик электр станциямиз, — дейди станция бош муҳандиси ўринбосари Истам Ҳамроев, — киш ўта қаттиқ келган бу йилги шариотда ҳам мавсумга пухта тараддуд кўрганимиз ва энерго блоклари вақтида сифатли таъмирлаганимиз туфайли синовлардан муваффақиятли ўтди. Қолаверса, вилоят марказини қишин-ёзин иссиқ сув ва иссиқ буғ билан ҳам таъминлашни изчил йўлга қўйдик.

Музаффар ШАРОПОВ

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпоно-та кўчаси, 6-уй, 10-хонадон манзили бўйича /ИНН: 300045465, ОКОНХ: 84300/ 2006 йил 7 ноябрда 002503-08 рақами билан рўйхатга олинган «ABU SODIQ SERVIS» масъулияти чекланган жамияти жамиятининг 2008 йил 1 мартдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Даво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади

бу — «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолиятида яққол кўринмоқда



Шу боис, раҳбардан тортиб, то оддий ишчигача мавсумда масъулият билан меҳнат қилади. Айни дамларда корхонамизда IV типга мансуб тола олинмоқда. Тола чиқими эса 33 фоизни ташкил қилаётди. Бу маҳсулот «Тошкент — Тола» терминал омборлари орқали чет давлатларга жўнатилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача корхонамизда 4 минг 665 тоннадан зиёд тола ишлаб чиқарилди ва хорижий давлатларга сотилди.

Сўзсиз, экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз ра-

бугунгача 5 минг 087 тонна миқдоридан тола ишлаб чиқарилди. Ўз-ўзидан равшанки, тайёр маҳсулот терминал омборлари орқали хорижга экспорт қилинаётди.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчами, сифати, нави, ранги бир хил бўлган муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — дейди корхона раҳбари Илҳом Мадумаров. — Биз ана шу мақсадда замон талабларидан келиб чиқиб, корхонамиз ишини тобора такомиллаштиришни мақсад қилдик ва бу йўлда изланишлар олиб бораёмиз. Самара ҳам шунга яраша: халқона айтганда хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади.

«Ҳаракат бор жойда — барака бор», деганларидек, ўрта чирчиқ туманидаги «ТСИ — Қорасув» қўшма корхонасида ўтган 2007 йилда тумандаги 440 дан зиёд фермер хўжалиқларидан 29 минг 864 тонна миқдорда пахта қувонарли ютуқларга эришмоқда. Утган 2007 йилда корхонада тумандаги 400 дан зиёд фермер хўжалиқларидан 15 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси қабул қилиниб, шу

наётган тола чиқими эса режадаги 32,5 ўрнига 34 фоизни ташкил қилмоқда.

Корхона ўзининг бош биноси ва пахта тозалаш цехларини бутунлай реконструкция қилди. Бунинг самараси шуки, пахта хомашёсини толага айлантириш жараёнлари соддалашди. Электр-энергия сарф-ҳаражатлари ҳам икки-уч бараварга камайди.

— Бундай янгиланган эвазида пахта толаси олиш ўртача 1 фойзга ошди, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Ибодов. — Бу бир неча тонна юқори сифатли тола, бир неча миллион сўмлик қўшимча даромад, дегани. Бундан ташқари, олинаётган тола-мизнинг жаҳон бозорига юқори баҳоларда сотилишини таъминлаш учун маҳсулот сифатини кафолатловчи сертификат ҳам доимий эътиборимизда.

Бир сўз билан айтганда, бир-лашма тасарруфидидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида бошланган ишловлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ 8-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

2008 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

❖ Қашқадарё вилояти, Қизил-Сув сув омборидан фойдаланишни яхшилаш III навбат ишлари (01.01.2008 й. ҳолатига қолдиқ иш ҳажмлари)

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4.463.625.354 сўм.

Қурилиш муддати — 27 ой (2008-2010 й.)

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти 8-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Чап-қирғоқ кўчаси, 1-уй.

Телефон: (8-375) 226-12-31, 226-12-40.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

❖ етарли касбий ва техникавий малакага;
❖ иншоот қийматининг камида 20 фойз миқдоридан айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
❖ молиявий имкониётлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
❖ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
❖ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.
Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносидан ўтказилади.

Экспорт — мамлакат таянчи

